

Тақдирга мувофиқ келган дуо



10:10 / 05.06.2019 1902

Ҳамид ибн Ҳилол айтади: «Мутриф ибн Абдуллоҳ ўз қавмидаги бир киши билан тортишиб қолди. Тортишув асносида Мутриф унга: «Агар ёлғон гапираётган бўлсанг (ноҳақ бўлсанг), Аллоҳ таоло жонингни олсин!» деган эди, ҳалиги одам турган жойида йиқилиб, жони узилди. Ўлган одамнинг аҳли оиласи Басра волийси Зиёднинг олдига (ўлганнинг хунини ундириб бериши учун) ёрдам сўраб боришди. Зиёд улардан: «У буни урдими? Ёки тегдими?» деб сўради. Улар «Йўқ», дейишди. Зиёд: «Демак, бир солиҳ одамнинг дуоси Аллоҳнинг тақдирига мувофиқ келибди», деди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан